



Ислом Нури

Имом Бухорийнинг
«Жомиус сахих»ларидан
бир хадис атрофида оммабоп дарс

Ибн Аббос айтадилар: «Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламга кайғу-гам тушганида куйидагичи дуо килар эдилар:

«Ла илаха иллаллоху ал-Азим-ул Халим, ла илаха иллаллоху роббус-самавати вал-арзи ва роббул-Аршил Карим»

Буюк, Халим Аллохдан ўзга илох йўк. Осмонлар ва Ер-замин Парвардигори, Буюк Арш Парвардигоридан ўзга илох йўк».

Мўмин одам бошига кайғу тушган махалда Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга иктидо килиб, ушбу маъсур дуони – тавхид калималарини айтиб Аллохдан ёрдам сўрамоги лозим. Бугунги кунда китоб дўконларида «Дуо китоблари» номи остида кўпайиб сотилаётган, таг-тайини йўк, хурофий дуолардан эҳтиёт бўлиб четланмоги керак. У китоблардаги «гўзал» ибораларга алданмасин. Хамма яхшилик жаноби Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга эргашишликда. Дунёдаги саодатимиз ва охиратдаги саодат Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга эргашишликда.

Дин, Ислом хакикатини тушуниб етмаган, оят ва хадис маъноларида илмга асосланмай гапиришга журъатли жохиллар, тадаббур ва тафаккурдан махрум бўлган, модда шаробидан эс-хуши огган мастлар иймони заифлар калбига шубха солиб айтиши мумкин: «Ушбу кайғу дуоסי деб аталмиш калималарда кайғуни кўтарадиган, гам-андухни кетказадиган бирор нарса топмадик-ку? Кайгуга алокадор бирор бир ибора йўк-ку? Дуо ош-нон бўлармиди, дуо дори-дармон бўлармиди?»

Мўмин киши бу сингари фикрларга ва буни айтгувчи шахсларга нисбатан ўз мавкеини тўғрилаб олиши керак. Тирнок остидан кир ахтаргувчиларнинг шубхаларига лакка тушиб, иймонига халал етказиб кўймасин. Агар хадис сахих – ишончли бўлса, «самъан ва



Ислом Нури

тоатан» деб итоат килиб, хадисни кабул киламиз. Мутавотир эмас экан, хабари оход экан, маъноси ақлга тўғри келмас, воқеъдан узок, деб таркатилган шубхаларга кулок осмаймиз. Бу ахли суннанинг йўли эмас. Хадис Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ишончли йўллар оркали етиб келгани кифоя. Маъносини, хикматини билиб ақлимиз етса хўп, яхши. Агар хикматига ақлимиз етмаса, бу хадисдаги камчилик эмас, балки биздаги нуксон, камчиликдир.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга кайғу тушган махалларда Аллохнинг бирлигини, Буюк, Халим эканлигини ёдга олиб дуо килар эдилар. Аллохнинг олий сифатлари ҳамда гўзал исмлари ичидан Буюк ва Халим исмларини танлар, шунингдек учта улкан, катта махлуотлар – осмонлар, Ер ва улуг аршнинг тарбияткунандаси, деб зикр килар эдилар.

Бундаги хикматлардан бири: Халк билан Холик ўртасини боғлаш, бандаларни ўз Яратувчисига кайтариш, мўминларни кайғу махалда жазавага тушишдан саклаб сабрга ўргатмок, сўнган умидларни кайтадан вужудга келтирмокдир.

Чунки кайғу канчалар катта бўлмасин Аллох хар нарсадан каттадир. Ташвиш, гам-андух хар канча кўпайиб чигаллашмасин, Аллох осмонлар ва Ернинг Парвардигоридир. Бу икки катта махлук – осмонлар ва Ерни бошқариб турган Зотга бир банданинг кайгусини кетказиш кийин эмас. Банда бошига тушган кайғу, елкага юклатилган катта тоғ бўлсада, энг буюк, улкан махлук – Аршнинг Раббисига бир банданинг елкасидаги тоғдек гамни кетказиш кийин эмас.

Буюк, Халим Аллохдан ўзга илох йўк.

Халим маъноси укубатга, жазолашга кодир бўла туриб, жазони кечиктурувчи, демакдир^[1].

Осмонлар ва курраи заминнинг Парвардигори, буюк арш Раббисидан ўзга илох йўк.



Ислom Нури

Одамзот табиати бошига кайғу тушганда нима киларини билмайди. Ўзини йўқотиб, довдираб, боши котган холда каерга боришини билмайди. Мўмин эса бошига кайғу тушганда ер-осмонларнинг хакикий мулкдори – эгаси, султонларнинг султони Аллох таолони эслайди. Ўзи ҳам шу мулклар ичида бир мулк, ушбу махлукотлар катори бир махлук эканлигини эслайди. Тунни кунга, кахратон кишни бахорга айлантиргувчи, согни касал, бойни камбагал килгувчи Рабби таолони эслайди. Аллох таолонинг хар ишида хикмат борлигига иймон келтиради. Албатта, Аллох уни бу кайғули холатда давом эттириб кўймайди, окибатини гўзал якунлайди!

«Биз бу кунларни (яъни, галаба ва маглубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз. Тоинки Аллох хакикий иймон кетирганларни билгай, ҳамда сизлар ораларингиздан шахидлар саралаб олгай». (Оли-Имрон, 140).

«Бас, албатта хар бир огирлик-машаккат билан бирга енгиллик ҳам бор. Албатта хар бир огирлик-машаккат билан бирга бир енгиллик бор». (Шарх, 5-6).

Айримлар бошига кайғу тушганда пулига ишонади. Ўзга бировлар мартабасига суянади. Баъзилар кучига, ўз кудратига ишониб иш юритади. Мўмин эса Ер-осмонларнинг Раббисига суяниб таваккул килади.

Баъзилар: «ё пирим мадад, ё пулим, молим мадад, эй кўшниллар, хешлар, хоким султоним мадад», деб додласа, мўмин буюк арш Раббисини ёрдамга чакиради: Тўгри ушбу дуо зохирида талаб, сўров йўк. Кайғу, гам-андухни кетказ, деб айтилган ибора йўк. Лекин бу дуода тавхид бор, таваккул бор. Улуг Аллохни гўзал исмларини ёд олиб илтижо килмок бор. Хар нарсага кодир Зотнинг зикри бор. «Оё Аллох зикри билан калблар хотиржам бўлур, ором олур».

Хадиси кудсийда Аллох таоло шундай дейди:



Ислом Нури

«Менинг зикр килиш уни мендан сўрашдан машгул килиб кўйган кишига сўровчиларга берганимдан кўра афзалроқ нарсани бераман». Бандага берилган энг катта неъмат Аллохнинг бирлигини билиб, Унинг ўзига ибодат килмогидир.

«Аллох сизларга зохирий ва ботиний (яширину ошкор) неъматларини комил килди (тўлик килиб берди)» дейилган ояти карима тафсирида машхур муфассир Мужохид шундай дейди:

«Неъматдан мурод: ла илаха иллаллох».

Табаъа-тобиинлардан Ибни Уяйна –рохимхуллох- юкоридаги сўзни таъкидлаб: «Аллох бандаларига берган энг афзал неъмат – Аллохнинг уларга (ла илаха иллаллох)ни билдириб кўйганлигидир. Чунки (ла илаха иллаллох) улар учун охиратда дунёдаги сув сингаридир», – дейди.

Зикр, дуоларнинг афзали хам(ла илаха иллаллох)дир.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Мусо алайхис саломнинг Аллохдан сўраган энг афзал зикр ва дуолари хакида зикр килиб шундай дейдилар:

«Мусо алайхис салом Аллох таолодан сўрадилар: Эй бор Худоё, менга бир нарса билдирки, у билан мен Сени зикр килай ва у билан мен Сенга дуо килай. Аллох жалла жалолуху деди: Эй Мусо, «ла илаха аллаллох», денг. Мусо алайхис салом: Худойим, буни хамма бандаларинг айтади, менинг ўзимга хос, ўзга бир нарса берсанг. Аллох таоло айтди: Эй Мусо, агар етти осмон ва Ер тарозининг бир палласида, ла илаха аллаллох бошка бир палласида бўлса «ла илаха аллаллох» огир келур».

Хасан хадисда келади: «Энг яхши дуо арафа куни килинган дуодир. Мен ва мендан олдинги пайгамбарлар айтган энг яхши дуомиз: ёлгиз Аллохдан ўзга илох йўқ, шериги йўқ, мулк Унинг учун, хамд-мактов Унга хос, У хар ишга кодирдир».

Ўз ишини ёлгиз Аллохга топширган банда кам бўлмайди. Мададни хар



Ислом Нури

нарсага кодир Зотдан сўраган хор бўлмайди.

Сухбатимиз мавзуси бўлмиш ушбу хадисдаги «Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга кайғу-ғам тушганда дуо килар эдилар...», деган иборадан маълум бўладики, жаноб Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бошларига каттик кайгулар тушган, хаётларида огир ахволлар бўлган.

Аллох таоло ўз Расулининг хаётини бошдан оёк беташвиш, кайгусиз, фаровон этиб кўйишга кодир. Шу дунёнинг ўзини у киши учун жаннатга айлантириб беришга ҳам кодир. Лекин Аллохнинг суннати ўзгача:

«Энг каттик бало пайгамбарларга келади, сўнг солих бандаларга, сўнг яхши-яхши одамларга».

Зиёд ибн Зиёд хикоя килади:

«Сахобалар -розияллоху анхум- Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хузурларига киришади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам каттик бетоб, иситмада эканлар. Аллохнинг пайгамбарини бу холда кўриб: «Ох! Ох! Ота-оналаримиз фидо бўлсин, ё расулаллох, мунчалар каттик огримасангиз!», - дедилар.

- Биз пайгамбарларга бало бошкаларга нисбатан зиёда килинади, - деб жавоб бердилар.

Сахобалар таажжубланиб: «Субханаллох!», - дедилар. Пайгамбаримиз сўзда давом этиб: «Пайгамбарлар ичидан бирини бит чакиб ўлдирган, десам ажабланасизларми», - деганларида сахобаларнинг таажжублари янада ортиб: «Субханаллох!», - дедилар.

- Таажжубланманглар! Энг каттик бало пайгамбарларга келади, сўнг солих бандаларга, сўнгра яхши-яхши одамларга.

-Субханаллох!

- Таажжубланманглар! Рохат-фарогатли хаётга канчалар хурсанд, шод бўлсаларинг, улар бало учун шунчалик хурсанд бўлар эдилар^[2]».

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хаётлари икки қисмга:



Ислом Нури

Макка даври ва Мадина даврига таксимланади. Хар икки даврда Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам учун каттик огир кунлар бўлди. Оддий инсон кўтаролмас кайгулар тушди. Маккада мушриклар озори, ўз кариндошлари томонидан берилган озорлар. Истехзо килиндилар, жасади муборакларига озор берилди. У кишига эргашган зотлар, мусулмонлар каттик кийнок остига олинди. «Мукотаатул омма» «оммвий алокани узиш» (бойкот) деб тарихга кирган мусулмонларга карши уюштирилган гайриинсоний жазо, очарчилик бўлиб ўтди. Булар устига зиёда Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламни турли номуносиб номлар билан атаб, сеҳргар, шоир, деб бўхтон килдилар. Мушриклар Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламни ё хибс килиш, ё ўлдириш, ёки Маккадан чиқариш пайида бўлдилар:

«(Эй Мухаммад), кофирлар сизни хибс килиш ё ўлдириш, ёки (Маккадан) чиқариб юбориш учун сизга макр килган пайтларини эсланг ». Анфол сураси:30.

Бу озорлар бир ой эмас, бир йил эмас, балки ўн уч йил давом этди. Ўн уч йил озорга, ўн уч йил мусибатларга хар ким хам бардош бера олмайди.

Охири Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламга Мадинага хижрат килишга рухсат берилди. Бу билан кайгули кунлар ортда қолиб, фаровон хаёт бошланмади, балки масъулият ортиб, кайгу кўпайди. Иши пайгамбар ўлдириш бўлган, касби-кори Аллох элчиларига озор бериш бўлган яхудийлар Мадинада Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламга тиш кайраб турган эди. Улар мунофиклар билан биргаликда пайгамбаримизга одам хаёлига келмас озорларни беришди. Эркалар ўзига берилган озорга бардош беради, ўзига нисбатан тўкилган уйдирма-тухматларга чидайди. Лекин оиласи томонидан берилган озорга бардош бериш осон иш эмас. Юзсиз, пасткаш мунофиклар жаноби Расулulloх оилаларига – ер юзидаги энг тоза, пок тўшакка



Ислом Нури

тухмат килди. Иффат тимсоли, хаё рамзи, садокат ахлининг пешвоси Мухаммад Мустафо соллаллоху алайхи ва саллам билан, у кишининг беозор, покиза хотинлари Оишаи Сиддикага тухмат килишди. Окибат, Аллох таолонинг Ўзи Оишани оклаб тухматчилар юзини каро килди.

Кайгули кунлар Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга хаётларининг охиригача давом этди. Сахих Бухорийда келади: Анас -розияллоху анху- ривоят килади: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам огирлашган пайтларида ўрана бошладилар, Фотима розияллоху анхо Ох, отамнинг гам-кайгулария! – дедилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам унга: «отангга бугундан кейин гам-кайгу йўк» – дедилар.... Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дафн килинганларидан кейин Фотима розияллоху анхо дедилар: Эй Анас, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам устига тупрок тортиш билан хушнуд бўлдингларми?

Буларнинг хаммасида мўминлар учун ибрат бор, дарсу сабоқлар бор, сабр-бардошга ёрдам берувчи тасалли бор.

Дунёдан беташвиш ўтаман, деб хаёл килмокнинг ўзи хамокат.

Дунёни жаннатга айлантираман, демоклик баайни саfoхат.

Дунё муъминнинг зиндони, кофирнинг жаннати.

Ибнул Каййим айтадилар: «Эй сусткаш, ношуд! Ибрат олмайсанми?!

Йўл огир, машаккатлидир. Бу йўл машаккатидан Нух ох уриб кўз ёшлаганлар. Халилуллох ўтга ташланиб, ўгиллари Исмоил курбонлик учун кундага кўйилганлар. Юсуфдек зот кул бозорида арзимас чакага сотилиб, сўнгра бир неча йил зиндонга ташланганлар. Закариё устидан арра тортдилар. Яхёни кўйдек сўйдилар. Айюб пайгамбар не мусибатлар чекди. Довуд микдордан ортик йиглади. Исо алайхис салом йиллаб ёлгизлик аламини тортдилар. Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам факирликни бошдан кечириб, турли озорлар чекдилар. Сен эса бегам, беташвиш, ўйнаб-кулиб яшашни



Ислом Нури

хохлайсанми?!».

Кимнинг бошига кайғу тушмаган бўлса, бунинг учун хурсанд бўлмасин. Яхши кунларга алданиб, гафлатда колмасин. Дунёнинг иши бир кун кулдирса, бир неча кун йиглатади. Бир кун тўк килса, бир неча кун оч килади. Бир кун рохат-фарогат, бир неча кун афсус-надомат.

Арзимас дунё учун азиз дўстинг душманга айланар, яхши сирдошинг мол дунё учун сиринг фош этар. Ер талашиб ака-ука юз кўрмас бўлган. Бир парча латта учун опа-сингил юз-кўзин юлган.

Дунёнинг хали сен билмаган кайғу-ташвишлари хам борки, тунда тушган тумандек кўз олдинги коронгулаштиради. Шундай холатларда ўзингни кўлга ол. Халойикка ялинмасдан, Холикка кайт. Дуч келганга дардинг айтмай, ўз меҳрибон Раббингга холинг айт. Мухаммад Мустафо соллаллоху алайхи ва саллам ўргатганларидек: **«Ла илаха иллаллоху ал-Азим-ул Халим, ла илаха иллаллоху роббус-самавати вал-арзи ва роббул-Аршил Карим»**, деб Аллохни ёдла. Унинг ўзидангина мадад сўра. Ота-онам фидо бўлсин Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга ким, кайғу тушганда «ла илаха иллаллоху» «Аллохдан ўзга илох йўк», демокни таълим бердилар. Шунингдек, бозорга кирганда хам «ла илаха иллаллоху» демокни буюрдилар. Бунда бир хикмат бор, хар икки холатнинг ўхшаш алокадор томони бор.

«Ла илаха иллаллоху» нинг маъноси «Аллохдан ўзга сизинилишга лойик, хакикий маъбуд йўк», демакдир. Яъни, «мен Аллохдан ўзгага ибодат килмайман», деганидир. Бу калимага содик колиш, бу катта ахдга вафо хамманинг кўлидан келавермайди. Пўлат ўтда билинар, олтин оловда товланар деганларидек, хакикий мўминлик хам бошга кийинчилик тушганда билинади. Гохи фаровон кунларда Аллохга сизиниб турганлар кайгули кунларда Аллохга сизинмай колишади. Уйда, издихом, зиёфатларда «Худо», деб бакирганлар бозорга



Ислом Нури

кирганда, олди-берди махалида Худони эсдан чикариб кўядилар. Шунинг учун кайғу тушганда ва бозорга кирганда Аллох билан ахдни янгилаб, «ла илаха иллаллоху», деб зикр килиш буюрилди. Чунки бунда сабот бор, тазкир – эслатма бор.

Огир кунларида ла илаха иллаллохни махкам ушламаганлар ўткинчи сиёсий ҳамда иктисодий кийинчиликлар олдида маглуб бўлиб, динни, иймонни сотиб нон-гўшт ейдилар, охиратни куйдириб, дунёни обод киладилар.

Во ажаб, кўзи соғ аъмога ажаб,
Рухсиз, «сомон тўла» сиймога ажаб,
Худодан кўркитиб авом мардумни
Ўзи Худо кўркмас муллога ажаб.

«Эй роббимиз, бизни хидоят килганингдан кейин дилларимизни ҳақ йўлдан бурма ва бизга ўз хузурингдан раҳмат ато эт! Албатта сен барча яхшиликларни ато этгувчи зотдирсан»

Азиз мусулмон биродар!

Бошингга огир кун тушганда, кийинчилик ҳар томондан ўраб, кайгуга кўмилганингда рухан чўкма! «Ла илаха иллаллоху» деб Аллохдан мадад сўра. Ноумид бўлма. Ўз Парвардигорингга ёмон гумон килма. Дуонинг ижобат бўлиши тажрибага мухтож эмас. Аллохнинг фазли бандалари орасида мутавотир. Киши ўзини – акидасини, ниятини, ейиш-ичишини, касб-корини ўнгласа, бас.

Дунё кайғу-ташвишларидан бири йигит кишининг пулсиз колмогидир. Оила бокаман, деб қарзга ботмоғи. Бир томондан йўқлик алами, иккинчи томондан қарз алами. Шоир айтади:

Илохо, мухтожлик юзин қаро қил.
Мухтожлик азизни қарзга қилар қул.



Ислом Нури

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: Сахобалардан Абу Талханинг Абу Умайр исмли ўгли бетоб эди. Абу Талха масжиддалигида ўгли вафот қилади. Боланинг онаси саросимага тушмай, болани ўраб ўз ўрнига ётқизади. Дадалари масжиддан кайтгач, боланинг ўлими хақида хабар берманглар, ўзим ўрни билан тушунтираман, деб хонадондагиларга тайинлайди. Сўнг кийимларини ўзгартириб, безаниб олади. Эр масжиддан кайтиб, ўгли хақида сўрайди. Аёл: аввалгидан кўра тинчиб колди, деб жавоб беради. Эри билан бирга келганларга кечки таомни такдим қилади. Кеч киргач, Абу Талха ўглининг ўлимидан беҳабар, аёлига яқинлик қилади.

Кечанинг охирида аёл аста сўз бошлаб: дадаси, агар фалончилар бировдан карзга бир буюм олиб фойдаланса, сўнгра менга буюмимни кайтаринглар, деб эгаси буюмини талаб қилса, карзга олган одам у буюмни кайтаргиси келмаса, бунга нима дейсиз? Абу Талха: бу инсофсизликдир, – дейди. Аёл: ўглингиз гўё Аллохдан олинган буюмдек эди, Аллохнинг ўзиники эди, ўзига кайтариб олди, дейди. Абу Талха: □□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ □□□ □□□ деди

Сўнгра: Онаси, касам Аллохгаким, сабрда мендан ўтиб кета олмайсиз, деди. Тонг отгач, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб беради. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам буларнинг сабрига тасанно айтиб, улар хақида дуо қилиб: Аллох бу кечаларингга баракот берсин, дедилар. Ровий айтади: Дуонинг баракотидан, сабрнинг самараси ўларок Аллох таоло бу сабрли ота-онага бир ўгил ато этиб, у ўгилга ҳам ўн нафар бир-биридан гўзал ўгиллар хиба қилади. Уларнинг хар бири хофизи каломуллох бўлиб етишади.

Бу аёлнинг сабрига, бардошига каранг. Хозирги аёлларнинг бесабрлигига ҳам бир каранг. Агар уларнинг бирор фарзанди бетобликдан ўлса: агар отанг яхшироқ дўхтир топганда эди, ўлмас эдинг, агар отанг озрок пул сарф қилиб, тузукрок дори топганда эди



Ислом Нури

икромда волиди билан дийдор этган ҳам Ўзинг. Юнусга нажот бериб,
Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга нусрат берган ҳам Ўзинг!
[Илохо бирлигинг хакки хурмати], биз мусулмонлар гунохимиз кеч,
магфират кил. Ширк, бидъат-хурофотдан куткар. Мусони онасига
кайтарганинг сингари, биз мусулмонларни хак динингга кайтар, тўгри
йўлга йўлла. Яъкубла Юсуфни дийдор этганингдек, мазлум
мусулмонларни ўз ота-оналари билан дийдор кўрсат. Иззат икромда,
офиятда ўз хонадонларида жамла. Камокдаги мазлум олимлар,
толибларга нажот бер. Авлиёларингга нусрат бер. Биз килган
гунохлар сабабидан ўзимизга раҳм килмас, Сендан кўркмас
кимсаларни бошимизга раҳбар килма. Неъматларингни биздан
бурилмогидан панох сўраймиз, ёмонлар шарридан нажот сўраймиз.

Холико, мен зор йигларам
Калбим синик, кўзларда нам,
Ислох килгин, Сохиб карам,
Эл бечора обод бўлсин.

Гунохимиз кўпдир чунон,
Заифлашди бизда иймон,
Кечир, Аллох, Сенга осон,
Эл бечора обод бўлсин.

Рахматингдан умидвормиз,
Нусратингга кўз тикканмиз,
Кечир, Раббим, не килганмиз,
Эл бечора обод бўлсин.

Афв этмасанг, холимиз вой,
Сен Ганийсан, бизлар гадой,
Юртда вайрон бўлди хар жой,



Ислом Нури

бор? Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам: Каффорат бор, дедилар. Шу сухбатда иштирок этаётган Убай ибн Каъб сўрадилар: Эй Расулulloх, жуда оз микдорда бўлса хамми? Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам: Бир тикандан бошлаб ундан юкоригача. Шунда Убай ўзига дуо килиб, Аллохдан хамиша иситмани, хаждан, умрадан, Аллох йўлига жиходга чикишдан, жамоат намозидан тўсмайдиган даражада иситмани сўради. Ровий айтади: Убай ўзига шу дуони килганидан сўнг унинг кўлини ушлаган киши уни хамиша иситма холида топар эди».

Мўмин ўзига офият сўрашга маъмур, ўзига бало тиламайди. Лекин мусулмонга тушган балога нисбатан Аллох таоло хозирлаб кўйган мукофотларни тасаввур килса, боши узра турган балонинг кетмаслигини орзу килади.